


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ  
ПЕШКУ ТУМАНИ 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



**Бухоро-2021**

1. 1. Набиев А. Материаллар қаршилиги. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. -380 б.
2. Қорабоев Б. Материаллар қаршилиги. Олий техника ўқув юртлари учун дарслик. –Тошкент: Фан ва технологияси, 2007. – 192 б.
3. <http://www.pedagog.uz>
4. <http://www.ziyonet.uz>

## **МИРЗО УЛУҒБЕК ВА БУХОРО**

### **Мажидов Ж.Ж.-БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси**

Бухоро барча замонларда Туркистон ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлиб келган. Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам Бухоро ва унинг мамлакат тарихида тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, пойтахт Самарқанддан сўнг иккинчи йири марказга айланганди. Амир Темур ва темурийлар Бухорога алоҳида эътибор бериб, бу ердаги аҳолини қониқтирадиган сиёсат олиб боришга ҳаракат қилганлар. Темурийлар даврида нақшбандийликнинг кенг халқ оммаси орасидаги таъсири натижасида эса, Бухоронинг сиёсий ҳаётдаги мавқеи янада ортиб кетади. Темурийлардан бўлган Мирзо Улуғбекнинг Бухорога бўлган меҳри бўлакча деб хулоса қилишга барча асослар етарли. Чунки, Улуғбекнинг сиёсий фаолияти айнан Бухородан бошланган эди.

Сохибқирон Амир Темур вафотидан сўнг темурий шахзодалар ўртасида бошланиб кетган ўзаро курашлар кейинчалик ўз замонасининг тенгсиз олими Мирзо Улуғбекни ҳам четлаб ўтмаганди. Амир Темурнинг васиятига амал қилмай ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилган Шайх Нуриддин ва Шохмаликлар ҳали ёш бўлган Мирзо Улуғбекни 1405 йил февраль-март ойларидаёқ сиёсий курашлар жараёнига тормоқчи бўли, укаси Иброҳим Султон билан биргаликда Бухорога олиб келиб, Халил Султонга қарши курашлар гирдобига тортишга ҳаракат қиладилар[3, 74].

Амир Темур вафотидан сўнг тез орада бошланган ички курашлар Мовароуннаҳрга ташқи душман хужуми учун қулай вазият вужудга келишига сабаб бўлганди. 1405-1406 йил қишида ўзбеклар Хоразмни эгаллаб (Едигей Бу ерда 1412 йилгача ҳукумронлик қилади), Бухорогача бўлган ҳудудларни талаб кетадилари тарихий адабиётларда қайд этиб ўтилади[4, 22]. 1412 йил Шохрух Мирзо Едигейни Хоразмдан қувиб, Улуғбекнинг оталиғи Шохмаликка тортиқ қилади ва шу тариқа Хоразм темурийлар салтанатига қатарилади.

Тарихий адабиётларда Мирзо Улуғбек фаолиятига оид маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Мовароуннаҳ ҳукумдорининг Бухорога алоҳида эътибор берганлигини, бу замин табиатини яхши кўрган деб хулоса қилиш мумкин. Таниқли олим В.В. Бартольд тарихий манбалардаги маълумотларга таяниб Улуғбекнинг Бухорога тез-тез келиши ва бу асосан қишлоғни ўтказиш билан боғлиқ эканлигини келтириб ўтади[3, 139]. Шунингдек, Академик В.В. Бартольд Мирзо Улуғбек қуш овини яхши кўрган ва қишлоғни Бухорода

ўтказишдан мақсади асосан Бухоро атрофларида қуш ови билан шуғулланишга қулай бўлганлиги деган маълумотларни келтириб ўтади[2, 11].

Тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили ҳақиқатдан ҳам Улуғбекнинг кўп ҳолларда қишлоғи Бухорода ўтказганлигини кўрсатади. Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр ҳукумдори бўлгандан сўнг илк бора қурдирган мадраси 1417 йил эканлиги унинг Бухорода шу вақтга қадар бир неча марта бўлганлиги натижаси деб хулоса қилиш мумкин. Тарихий адабиётларда дастлаб Бухорода Мирзо Улуғбекнинг қишлоғи ўтказиши 1419 йил ноябрь ойидан бошланганлигини кўриш мумкин. 1419 йил ноябрда Улуғбек Бухорога келганда Шохмалик Хоразмдан бир неча навкарларини унинг олдига юборади. Улар Улуғбекка Шохмалик томондан юборилган совға шунқор (лочин)ни совға қиладилар[3, 100]. Бу эса юқорида В.В. Бартольднинг Улуғбек қуш овини яхши кўрганлиги хусусидаги фикрларини тасдиқлайди. Тарихий манбаларда 1419 йилда Улуғбекнинг Бухорога келиши шошилич суръатда бўлган деб хулоса берувчи маълумотлар мавжуд. Абдураззоқ Самарқандий Улуғбек 1419 йил 22 октябрда Хуросонга кетган Хитой элчиларини кутиб олади ва уларга қўшиб ўзи ҳам Хитой (Мин) давлатига элчи жўнатади. 1419 йил 18 ноябрида эса ўзи Бухорога кетади ва бир ҳафталик йўлни тўрт кунда босиб ўтиб, 22 ноябрда Бухоро арқига келади. Эртаси кун Бухоро яқинидаги Ўрдукежан қишлоғига бориб Шохмалик навкарларини қабул қилиб, улар орқали Шохмаликнинг Хоразмдан юборган ов қушларини тухфа сифатида қабул қилади. 28 ноябр куни ўзи қурдираётган ва яқинида етиб қолаётган мадрасага келади ва илм толибларига хайр-эҳсонлар улашади[8, 353].

Бундан ташқари Улуғбекнинг Бухорога яна келиши 1420 йилда содир бўлади. Чунки, шу йил унинг онаси Гавҳаршод бегим Хуросондан Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандга келаётган бўлиб, Мирзо Улуғбек онасини кутиб олиш мақсадида Бухорога келганлиги тарихий манбаларда тилга олиб ўтилади[9, 181]. Шунингдек, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”да келтирилишича Улуғбек 1421 йил ҳам қуш ови учун Бухорога келганлиги хусусида маълумот ёзиб қолдирилган[9, 385]. Аммо, қишлоғи вақтида ҳам давлат ишлари, илмий ва маданий фаолиятини тўхтатмаган деб хулоса қилиш учун асослар етарли. Масалан, 1421-1422 йил қишини Бухорода ўтказаётганда Улуғбек олдига Тибет ва Хитойдан элчилар келади. Аммо, ушбу элчиларнинг мақсади, йўналиши хусусида манбаларда маълумотлар сақланиб қолинмаган[2, 93]. Шундай бўлсада тарихий манба ва адабиётлардаги қисқа маълумотлар асосида маълум бир илмий хулосаларга келиш мумкин. Жумладан, теурийлар давлатида бир неча марта бўлган Хитой (Мин) давлати элчиси Чэнь Чэн 1421 йилда Бухорода бўлган ва Мирзо Улуғбек уни шу ерда қабул қилган деб хулоса қилиш мумкин. Чэнь Чэн 1414, 1416, 1420 йилларда уч бора Теурийлар давлатига элчи сифатида юборилган. Унинг кундалигида Самарқанд, Андхой, Бадахшон, Термитз, Шохрухия, Тошкент, Сайрам, Кеш, Янгикент, Бешбалиқ, Қорахожа, Люкчун, Турфон, Лобнор, Хами каби ўлкалар билан бир қаторда Бухоро ҳақидаги хотиралар ҳам ўз юртига қайгандан сўнг ёзган “Ши си юй

цзи” (“Ғарбий ўлкага элчилик хотиралари”) асарида келтириб ўтилади[6, 212]. Тарихчи олима Н.Э. Каримова Чэнь Чэн Бухоро ҳақида ўз хотираларида маълумотлар келтириб ўтган бўлсада, у қисқа ва элчи бу ҳудудда қачон бўлганлигини ўз хотираларида ёзмайди деган фикрларни келтириб ўтади[5, 26].

Мин (Хитой) давлати элчилари хусусан Чэнь Чэннинг ахборотлари асосида кейинчалик “Мин ши” (“Мин сулоласи тарихи”) асарида Бухоронинг ўша даврдаги тарихий географиясига оид маълумотлар киритилган. “Мин ши”да; Бухоро Самарқанддан жанубий-ғарб томонда 700 ли атрофида жойлашганлиги, шаҳар текистликда 10 ли масофага чўзилган девор билан ўраб олинганлиги, шаҳар ва бозорларнинг бойлиги, йилнинг тўрт фаслида ҳам табиати иссиқ эканлиги, беш бошоқли ўсимлик (шоли, тарик, арпа, буғдой, дуккакли ўсимликлар (ловия, нўхат))ўсиши, тут дарахтикўплиги, каноп кўп етиштирилиши, ипак, кимхоб, пахта матоларининг кўп бўлиши Мин императори Юн Лэ ҳукумронлиги 13 йили (1416 й) Чэнь Чэн 17 давлат ҳудудида, жумладан Бухорода бўлиб қайтганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтирилади[11, 52].

Хитой пойтахти Пекин ва Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанд шаҳарлари орасидаги масофа олти ой эканлиги тарихий адабиётлардаги маълумотлардан маълум. Шундай экан, Хитойдан Мовароуннаҳр томон йўлга чиққан Чэнь Чэн Мовароуннаҳргача Шарқий Туркистондаги давлатларда тўхташини инобатга олиб, тарихий манбаларда Тибет ва Хитойдан келган элчиларни Бухоро Улуғбек қабул қилганлиги оид маълумотларни қиёсий таҳлил қилсак, 1421 йил қишида Чэнь Чэн Бухорода бўлган деб айта оламиз. Матлаи садайн маълумотлари таҳлилига кўра, элчилар 1421 йил январидан 6 февралгача Бухорода бўлганларидан сўнг Хитой ва Тибетга қайтганлар деб хулоса қилиш мумкин[9, 603]. 1421 йил Улуғбек Бухорода қишлоқ ўтказаетган вақтда ҳаётида қувончли ҳодиса содир бўлиб, ўғли Абдурахмон Бухоро заминида дунёга келган[9, 415].

Тарихий манбаларда 1421 йилнинг 26 ноябрда Бухорога келган Мирзо Улуғбек қишлоқни Бухорода ўтказган ва 1422 йил баҳорида отаси Шохруҳ Мирзони зиёрат қилиш учун Хуросонга йўл олади[9, 416]. Ҳиротга Улуғбекнинг нима мақсадда борганлигига оид маълумотларни учратмадик. Аммо, давлат ишларини маслаҳатлашиш асосий мақсад бўлган деб хулоса қилиш мумкин. Бундан ташқари Мирзо Улуғбек 1432 йил Улуғбек қишлоқни ҳам Бухорода ўтказиб, баҳорда Ҳиротга отаси Шохруҳ Мирзо олидига йўл олиши манбаларда келтириб ўтилади[9, 20]. Айнан шу йили Хитойнинг Мин императори Сюаньдэ ўз ҳукумронлигининг еттинчи йилида (1432 йил-Ж.К.) Ғарбий ўлкаларга элчиликка Ли Да номли амалдорини юборилганди[11, 53]. Ли Да элчилигининг қабули ҳам Бухорода бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Мирзо Улуғбекнинг Бухорода навбатдаги қишлоқни ўтказганлиги хусусидаги маълумотлар 1434 йилга оид бўлиб, адабиётларда Улуғбек Бухорода қишлоқни ўтказаетган вақтда укаси Бойсунғур Мирзонинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитади. 1434 йилда қишлоқни ўтказиб бўлгандан сўнг,

баҳор фасли 29 апрелда отаси Шоҳруҳ олдиға таъзия изҳор этиш учун Ҳиротға боради[9, 44]. Мирзо Улуғбекнинг тез-тез Ҳиротға отаси олдиға бориши албатта давлат ишлари хусусида маслаҳатлашув бўлиб, эҳтимолки, бу маслаҳатлашувларнинг ўзагини диний уламолар мавзуси ташкил қилган бўлса керак. Чунки, отаси Шоҳруҳдан фарқли равишда Улуғбек сарой ва кўшинни, давлат бошқарувини турк-мўғуллар анъаналари асосида олиб борган[2, 71]. Бу эса диний уламолар биринчи навбатда нақшбандийлик тарафдорларини норозилигига сабаб бўлган. Тарихий адабиётларда ҳам бу хусусда фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлиб, Улуғбекнинг диний уламолар билан зиддиятларга бориши отаси Шоҳруҳ каби шариат қоидалари асосида эмас, балки давлат бошқарувида Чингизхон қоидалари (Ясо) асосида бошқариши сабаб бўлганлиги келтириб ўтилади[7, 218]. Улуғбек Мирзо даврида дарвишизм ғоялари орқали диний мутаассиблик кучайиб борган дейишга барча асослар етарли. Тарихий адабиётлардаги маълумотлар буни тасдиқлайди. Улуғбек давлат ва жамият тараққиёти учун илм-фан зарурлигини яхши англаган ва йирик шаҳарларда мадрасалар қуриб, ўзи уларга ҳомийлик қилган ва китобий фанлар тараққиётига хизмат қилган. Академик В.В. Бартольднинг фикрича, Улуғбек мадрасалари дарвишизмга қарши бўлган. Чунки, мадрасалар китобий фанларни тарғиб қилган. Дарвишизм эса, диний китобдан бошқасини тан олмаган[2, 100]. Демак, Улуғбекнинг Бухорога тез-тез келиши ва бу ердан отаси Шоҳруҳ олдиға боришида ушбу омилнинг ҳам бўлган деб хулоса қилиш мумкин.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин темурийлар давлати яхлитлиги сақлаш ва олий ҳокимиятни ўз қўлиға олиш мақсадида Улуғбек Мирзо Хуросонға ҳужум қилади. Ғалабадан сўнг отаси жасадини Самарқандға олиб кетади. Шоҳруҳ мирзо тобутини Самарқандға олиб кетаётганда Абулқосим Бобур ва ўзбекларнинг ҳужумига учрайди. Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарларини навбатдаги бсоқиндан ҳимоя қилиш ва қишлоқни ўтказиш мақсадида отаси тобутини Самарқандға юбориб, ўзи Бухорода қолган[10, 155]. Бухорода қишлоқнинг яна бир мақсади қишда чўл томондан ўзбекларнинг ўтроқ шаҳар ва қишлоқларни талаш мақсадида қиладиган ҳужумларини олдини олиш мақсадида ҳам бўлган дейиш мумкин.

Таниқли Темуршунос олим Бўрибой Аҳмедов фикр-мулоҳазаларига кўра, Улуғбек Ҳукумронлиги даври бошқа у олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсат натижасида бошқа темурийларға қараганда мамлакатда ҳаёт тинч кечди ва дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик, маданият соҳалари ривожланди[1, 144].

Хулоса қилиб айтганда, Мирзо Улуғбек даврида Бухоро Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарға айланди. Самарқанддан сўнг иккинчи йирик шаҳар мақомини сақлаб, темурийлар давлатининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб эта бошлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари: Умумий таълим ва махсус тарих мактаблари учун қўлланма: - Т.: Шарқ, 2001. – 144 б.
2. Бартольд В.В. Улугбек и его время. Петроград 1918. – 160 с.
3. Бартольд В.В. Сочинения. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. Том II. Часть 2. – М.: Наука, 1964. – 656 с.
4. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в.) – М.: Издательство Восточной литературы, 1958. – 245 с.
5. Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. Автореферат на соиск. учён. степ. доктора исторических наук. – Т.: 2006. – 50 с.
6. Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV-XIX вв. Алматы: Гылым, 1994. – 272 с.
7. Кляшторный С.Г., Султонов Т.И. Государства и народы Евразийских степей: От древности к новому времени. 3-е изд., исправл. и доп. – СПб.: Петербургское востоковедение, 2009. – 432 с.
8. Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/А.Самарқандий; Масъул муҳаррирлар: А.Қаюмов; Муҳаммад Али; Ўзбекистон Республикаси ФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. Ж. II. Қ. 1. (1405-1429 йил воқеалари). – Т.: O'zbekiston, 2008. – 632 б.
9. Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи Саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К. II. /Абдураззоқ Самарқандий; Форс тилидан тарж., сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. – Т.: O'zbekiston, 2008. – 832 б.
10. Файзиев Т. Улуғбек Мирзо Кўрагоннинг авлоди//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 7-сон. 1994. – Б. 29. – Б. 27-33.
11. Ҳафизова К.Ш. Китайская дипломатия в Центральной Азии XIV-XIX вв. – Алматы: Гылым, 1995. – 288 с.

## **САДРИДДИН АЙНИЙ – ЁШ АВЛОДНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАРИ**

**Ф.У.Темиров** – Бухду, Бухоро тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д.,(PhD)

Машхур маърифатпарвар адиб, йирик сўз санъаткори, Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси, ёш авлоднинг таълим тарбияси, келажаги ва Ватан равнақи учун курашган жамоат арбоби Садриддин Айний (1878-1954) ёшларнинг таълим-тарбияси, ватанпарварлик руҳияда тарбиялаш тўғрисидаги қарашлари ижтимоий фикрлар тараққиёти тарихида Ўзбекистонда асосий ўринлардан бирида туради.

kompetensiyaviy yondashuvlar	
<b>АҲМАДОВ О.Ш.</b> Тараққийпарварларнинг бухорода таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ғоя ва қарашлари.	<b>214</b>
<b>ЭЛОВА Д.Д.</b> XIX аср охири – XX аср бошларида туркистонда гидромелорация соҳасида янги техникаларнинг кириб келиш тарихидан	<b>217</b>
<b>РАҲИМОВА Д.А.</b> Та’лим тизimini rivojlantirishda ajdodlar merosining roli	<b>221</b>
<b>ФАТУЛЛАЕВА М.А., МАҲМУДОВ И.</b> Ёш авлод тарбиясида миллий халқ ўйинларининг ўрни ва педагогик аҳамияти	<b>223</b>
<b>АВЛИЯКУЛОВ М.М.</b> Бўлажак ўқитувчилар маънавий оламини юксалтиришда санъат ва маданиятнинг ўрни.	<b>227</b>
<b>TOSHEVA D.I.</b> Ekologik ta’lim-tarbiya haqida allomalar qarashlari	<b>229</b>
<b>АВЛИЯКУЛОВА Н.М.</b> Пути развития изобразительно-творческой деятельности будущих педагогов.	<b>235</b>
<b>НУРУЛЛАЕВ А.Р., ХЎЖАЕВ Э.</b> Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ҳаракатларга ўргатишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш самарадорлиги	<b>237</b>
<b>ГУЛБОЕВ А.Т.</b> Профессional таълим тизимида маънавий- маърифий ишларни ташкил этиш	<b>239</b>
<b>УСМОНОВА Г.И.</b> Таълим ва тарбия уйғунлиги миллий тараққиётга эришиш кафолати	<b>241</b>
<b>ҲАЙИТОВ Ж.Ш.</b> Ўзбекистонда бошоқ (дон)ли экин янги навларининг тарқалиши тарихи	<b>243</b>
<b>ОРЗИЕВ М.З., ҲАЙИТОВ Р.</b> Биринчи жаҳон уруши даврида бухорода герман-турк fronti учун олиб борилган тарғибот ишлари	<b>245</b>
<b>ГУЛБОЕВ А.Т.</b> Профессional таълим тизимида касбий-ахлоқий меъёрларини тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари	<b>251</b>
<b>ҚУРБОНОВА У.Ў.</b> Мустақиллик йилларида ўзбекистонда касбий таълим тараққиёти тенденциялари	<b>254</b>
<b>GULAMOVA D.</b> “Street law” loyihasi huquq targ’ibotining eng mukammal dasturi	<b>257</b>
<b>РАЖАБОВ О.</b> Баркамол ёшлар таълим-тарбиясида туркистон маърифатпарварларининг қарашлари	<b>259</b>
<b>ШАМСИЕВ Р.Х.</b> “Механик узатмалар” мавзусини ўқитишнинг замонавий усуллари.	<b>261</b>
<b>МАЖИДОВ Ж.Ж.</b> Мирзо Улуғбек ва Бухоро	<b>265</b>
<b>ТЕМИРОВ Ф.У.</b> Садриддин Айний – ёш авлоднинг таълим-тарбияси тўғрисидаги фикрлари	<b>270</b>
<b>ОРЗИЕВА Д.З.</b> Қадимги дунё тарихига оид адабиётларда Ўрта Осиёнинг йиртқич мушуксимонлари ҳақидаги айрим маълумотлар	<b>272</b>
<b>АДИЗОВА Х.Р., ШОДМОНОВА Д.А.</b> Табиатга муносабатимизни ўзгартиришимиз шарт	<b>274</b>
<b>ШИРИНОВ А.Л.</b> Ўзбекистонда манзара жанрининг ривожланиши	<b>278</b>